


ZIYO CHASHMASI



ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

*** № 2 (181) *** 2010 YIL, FEVRAL ***

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

ТАЛАБА ФИКР БИЛДИРАДИ

БАРКАМОЛ АВЛОД - ЮРТ ТАЯНЧИ

Ўз-ўзини англаган, юксак маънавиятга, миллий гурурга эга бўлган ҳар бир инсон, аждодларимиздан қолган тақдирларимиздан қолган тақдирларимиз, бой маданий ва маънавий меросни, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини, халқларварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик йўлида кўрсатган жасоратларини ибрат намунаси деб билади ва поряқ келажак эгалари — ёшларни ҳам шундай руҳда тарбиялайди. Зеро, Муҳтарам Президентимиз айтганидек, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши

фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ.

Дарҳақиқат, тарбия, айниқса, баркамол авлод тарбияси бугунимиз учунгина эмас, балки юрт келажакнинг тақдирини ҳам ҳал қилиб берадиган жараён дидир. Ёшлар онгида миллий истиқлол гоёлари ва юксак маънавий шакллантирилса, шу билан бирга диний экстремизм ва терроризм, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик каби жирканч иллатларни тўлақонли англаб етишга эриша оласан, шубҳасиз, эришган ютуқларимиз ўз самарасини беради.

Биз бўлажак педагоглар ўзимизга берилган барча имкониятлардан фойдаланиб, юртимиз фаровон ва обод бўлиши учун аввало яхши ўқишимиз, буюк алломаларимиз қолдирган бой меросни пухта ўзлаштириб олишимиз лозим. Буюкларга тақлид қилган киши ҳеч қачон йўлдан адашмайди.

Дилфуза ҚОРАТОВА,
муסיқий таълим йўналиши.
3-босқич талабаси.

КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИДАН

ЁРДАМГА МУҲТОЖ ТАЛАБАЛАР - ҲИМОЯДА

Алоҳида ёрдамга муҳтож ва боқувчисини йўқотган талабаларни ҳимоя қилиш борасида қилинаётган ибратли ишлар ҳақида институт касба уюшмалари кўмитаси раиси КОМИЛЖОН ИСАЕВ ҳикоя қилади.

Институтда кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган талабалар алоҳида эътиборга олинган. Уларнинг аксариятини ижтимоий ҳимоялаш учун ҳомийлик ва вазирлик ишлари йўлга қўйилган. Бу борада туманлар раҳбарларига мурожаат қилиниб, шартнома асосида ўқийдиган талабаларнинг шартнома пулларини тўлашига эришилмоқда. Кейинги икки йилда 20 нафар талаба ана шундай имкониятга эга бўлди. Самарқанд вилоятининг Тойлок, Самарқанд, Қўшрабат, Жиззах вилоятининг Бахмал, Дўстлик, Фориш, Зафаробод, Жиззах, Жиззах шаҳри, Наманган вилоятининг Чуст тумани ҳокимликлари 5,4 миллион сўмлик шартнома тўловларини тўлашда ҳомийлик ёрдами кўрсатишди. Ҳозирда яна 15 нафар талабага ана шундай ёрдам кўрсатиш учун қатор туманлар ҳамда корхоналарга хатлар юборилган.

“Ёшлар йили” муносабати билан ташкил этилган Жиззах вилоят “Ёшлар жамғармаси”дан 17 нафар талабанинг ярим йиллик шартнома тўловлари (7820000 сўм), “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” муносабати билан 3 нафар талабага «Маҳалла» жамғармаси томонидан (2100000 сўм) моддий ёрдам кўрсатилди. 17 ноябрь Халқаро талабалар куни муносабати билан институтда тахсил олиб келаётган кам таъминланган, аълочи ва жамоатчи 411 нафар талабаларга 1700000 сўм миқдоридagi бадий китоблар тарқатилди. Ўтган йили кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар ва талабаларга институт касба уюшмаси кўми-

таси томонидан моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш мақсадида 2000000 сўмга яқин маблағ сарфланди.

Институт миқёсида профессор-ўқитувчилар, ишчи ходимлар ва талабалар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортга тайёргарлигини аниқлаш ва уларни спорт билан шуғулланишига жалб қилиш мақсадида институт профессор-ўқитувчилари, ишчи ходимлари ва талабалари ўртасида спортнинг шашка-шахмат тури бўйича мусобақа ташкиллаштирилди. Мусобақа талабалар ўртасида 26-декабрда, профессор-ўқитувчи ва ходимлар ўртасида эса 29-30 декабр кунлари ўтказилиб, голиблар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Янги йил муносабати билан институтда самарали фаолият кўрсатиб келаётган 7 нафар ходимлар ва институтда тахсил олиб келаётган кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногирон ҳамда боқувчисини йўқотган 129 нафар талабалар ҳамда институтда узоқ йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келаётган кекса профессор-ўқитувчи ва нафақа гаштини сураётган 31 нафар профессор-ўқитувчилар янги йил совғалари билан тақдирланди.

Касба уюшмаси “Баркамол авлод йили” — 2010 йилда ҳам кам таъминланган, ёрдамга муҳтож талабаларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиб уни амалга ошириш чораларини кўрмоқда.

КЛУБ ВА ТЎГАРАКЛАР ҲАЁТИДАН

«МЕҲР ЧАШМАСИ»ДА ФИДОЙИ ЁШЛАР

Мен 2009 йили физика-математика факультети математика-информатика йўналишига шартнома асосида қабул қилиндим. Институтимизда бир қанча тўғарақлар ва клублар борлиги ва талабалар учун ҳамма қулайликлар яратилганлиги ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг етакчилари ташаббускорлиги мени қувонтирди. Физика-математика факультети «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотига аъзо бўлдим ва факультетдаги клублар билан танишиб чиқдим. «Заковат» ва «Меҳр чашмаси» клубининг аъзоси ҳам бўлдим. «Меҳр чашмаси» клуби раҳбари, физика-математика факультети 3 курс талабаси Жамшид Исақобилонинг айтишича мазкур клуб 2008 йилдан бошлаб фаолият юритмоқда экан. Унинг асосий мақсади ва вазифаси қаровчисини йўқотган қариялар, кўзи ожизлар, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига руҳан далда бўлиш, маънавий ёрдам беришдан иборат.

2010 — «Баркамол авлод йили» муносабати билан факультетимизда мазкур клуб аъзолари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари билан биргаликда шу йилнинг 28 январиди Жиззах шаҳар 29-сон меҳрибонлик уйига ташриф буюрдик. Меҳрибонлик уйида 88 нафар тарбияланувчилар бўлиб, улар билан суҳбат қурдик. Барчага ота-онасидек меҳр беролмасакда инсоний илтиҳом билан уларни бироз бўлсада шодлантирдик, тарбияланувчилар иштирокида давра суҳбати ўтказдик. Физика-математика факультети «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси

Бойтемир Ризаев болажонларга ўзининг самимий тилақларини билдирди. Биз уларга талабалик ҳаётдан қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилиб бердик, ўқиган китоблари ва кўрган кинофильмлари қаҳрамонлари ҳақида фикрлашдик.

Факультет талабалар касба уюшмаси кўмитаси раиси, «Меҳр чашмаси» клуби сардори Жамшид Исақобилон шундай деди: Биз бу гуруҳни ташкил қилиб меҳрибонлик уйига келишимиздан асосий мақсад ёш авлодни келажакда ҳаётда ўз ўрнини топа олиш ва эртанги кунга ишонч билан қараб, жамиятимизга нафи тегадиган кадрлар бўлиб етиштиришдир. Биз бу мурғак қалбларга ҳаётда фақат олға интилиб яшаш зарурлигини тушунтирамиз. «Меҳр чашмаси» клуби аъзолари ўзларига бирктирилган тарбияланувчилар билан танишиб чиқдилар. Шулар қатори мен ҳам клубнинг янги аъзоси сифатида меҳрибонлик уйи ҳаёти билан танишар эканман, бу жойда ҳамма шароитлар яратилганлиги гувоҳи бўлдим. Биз қайтар эканмиз, укаларимиз, сингилларимиз бизни яна кутиб қолишларини ва ўзлари ҳам институтимизга боришларини айтишди.

Азиз талабалар, бизнинг арзи-маган эътиборимиз кимлар учун катта совға эканлигини унутманг, фидойий ёшлар қаторида бўлинг ва хайрли ишларни давом эттиринг. Бу биз — бўлажак тарбиячилар учун керак.

Гулрух ФАЗЛИЕВА,
Физика-математика
факультети 1-босқич талабаси,
«Меҳр чашмаси» клуби аъзоси.

Институтда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари иштирокида “Гиёҳвандликка қарши кураш” ойлиги доирасида тадбир ўтказилди.

Профессор-ўқитувчилар, кўп сонли талабалар иштирок этган ушбу тадбир вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ҳамда “Камолот” ЁИХ вилоят кенгаши ҳамкорлигида уюштирилди.

АСР ВАБОСИГА ҚАРШИ

Ўқув ишлари проректори, профессор Н. Алимов йиғилишни кириш сўзи билан очиб, шу йил 1 февралдан бошлаб вилоятимизда “Гиёҳвандликка қарши кураш ойлиги” ўтказилаётганлиги ва бугунги тадбир шу муносабат билан алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади.

Жиззах шаҳар ички ишлар бўлими масъул ходими Ш. Аҳмедов, вилоят ОИТС маркази ходими З. Расулова, вилоят Ички ишлар бошқармаси Наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш бўлими бошлиғи О. Шеркулов, институт “Камолот” ЁИХ бошланғич ташкилотининг етакчиси Ф. Акчаев, вилоят наркология диспансери мутахассиси А. Ашуров, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари маъруза қилдилар.

Профессор-ўқитувчилар, талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олдилар. Гарчи институтимизда гиёҳвандлик билан боғлиқ воқеалар содир бўлмаган бўлса-да, талабаларимизни янада ҳушёрроқ бўлишга даъват этдилар.

Г. АҲМАДОВА,
“Зиё чашмаси” муҳбири.

УШБУ СОНДА:

2-бет

Шеърят мулкнинг султони Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллиги



3-бет

14 февраль - Заҳриддин Муҳаммад Бобур тугилган кун




Устоз Холмурод Пайзимуродов 60 ёшини қаршилади

4-бет

Шеърят гулшанида: талабалар шеър дафтарида.

Талабамизнинг янги китоби босмадан чиқди.

Лермонтов Хоразмга келишни орзу қиларди, аммо бу армонга айланди.



КЕЛГУСИ СОНДА:

8 Март - Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан институт хотин-қизлар кўмитаси фаолиятдан қизиқарли лавҳа ва ҳикоялар, талаба қизлар кўнгил дафтарида битилган янги шеърлар билан танишасиз.

АЛИШЕР НАВОЙИ - ИФТИХОРИМИЗ

Буюк мутафаккир, шарқ шеърятининг султони Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллиги муносабати билан аънавий Навоийхонлик кунлари давом этмоқда.

НАВОЙИХОНЛИК КУНЛАРИ

Институтимизнинг маданият саройида Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллигига бағишлаб илмий-амалий анжуман ўтказилди. Анжуманни юқори савияда ташкиллаштириш ва уни ўтказишда ўзбек филологияси факультетининг профессор-ўқитувчилари ҳамда иқтидорли талабалари, ўзбек адабиёти кафедраси олимлари ташаббускор бўлдилар.

Маънавий-маърифий ишлар проректори доцент А.Тангиров анжуманни кириш сўзи билан очди. Ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси профессор О.Жўраев "Навоий ижодида

умумбашарий кадрятлар" мавзусида маъруза қилди.


Шунингдек, ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири доцент Б.Файзуллаевнинг "Алишер Навоий-улкан тилшунос", ўзбек филологияси факультети 4-босқич талабаси, Навоий номидаги стипендия совриндори Д.Собированинг "Абдулла Орипов ижодида Навоий аънавалари" ҳақидаги маърузалари ҳам тинланди.

Алишер Навоий асарлари асосида адабий-бадиий композиция ва концерт дастури намойиш этилди.

Шу куни Навоийхонлик кун-

лари дастурга мувофиқ 3 та ижодий шуъбада давом этди. Шуъба йиғилишларига доцентлар И.Икромов, Б.Файзуллаев, проф. Ф.Бойназаров раҳбарлик қилдилар. Шуъба йиғилишларида ўттиздан зиёд маъруза ва чиқишлар қилинди, Навоий шеърлари ўқилди. Навоийхонлик кунлари бутун диёримизда бўлгани каби институтимизда ҳам давом этмоқда.

**Ф.КОМИЛОВ,
Н.СОИБОВ,
Ўзбек филологияси
факультетининг 3-босқич
талабалари.**



НАВОЙИ ҲАҚИДА ХАЛҚ ЯРАТГАН РИВОЯТЛАР

БИЛАСИЗМИ?

НАВОЙИ СУРАТЛАРИ

келаётган Навоий бобомиз ҳақида билганларимиз жуда кам эканлигига иқрор бўламиз.

Бобомиз ҳаётлик пайтида мутаассиб руҳонийлар сурат чизишни тақиқлаганлар, лекин ўша давр рассомлари кишилар суратини чизишга ҳаракат қилганлар. Жумладан улар Навоий суратларини ҳам чизиб кўрганлар.

Хусусан Камолитдин Бехзод (1455-1539) Навоий, Хусайн Бойқаро суратларини чизган. Рассомнинг шогирдлари ҳам ўз даврининг илғор кишилари суратини чизишга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун бугунги кунда ўша давр рассомлари фаолиятини Бехзод миниатюра мактаби дея аташ русум бўлган. Навоий ҳаётлигидаги чизилган суратларни ҳам Бехзод мактабига мансуб рассомлар яратганлар.

1. 35-37 ёшлар чамасидаги


Алишербекнинг ноёб расми Туркиядаги "Тўр қори чевон" номи турк султонлари кутубхонасида сақланади.

2. Оксфорд университети кутубхонасида сақланаётган иккинчи асл расм Алишер Навоийнинг 44 ёшлик пайтида чизилган. Ушбу сурат "Садди Исқандарий" дostonи ичидаги варақларга ишланган.

Шундай қилиб Навоий ҳақида Бехзод мактаби рассомлари чизиб қолдирган суратлар ҳозир ҳам сақланмоқда.

Навоий суратларини чизмоқ ҳар бир рассом ёки ҳаваскор учун орзу ва фахр. Бу буюк бобомизга нисбатан чексиз ҳурмат демасди.

**Элмира ОЧИЛОВА,
Феруз ОЧИЛОВ,
Тасвирий санъат ва
муҳандислиқ графикаси
йўналиши 2-босқич
талабалари.**



Буюк бобомиз Алишер Навоий билимдон, халқпарвар, ростгўй ва саховатпеша инсон бўлган эканлар. Бобомиз мулкдор киши сифатида ҳам танилганлар. Баъзи мулкдорлардан фарқли ўлароқ, бобомиз камбағалпарвар бўлганлар. Қилган яхшиликларини бировга билдиришни яхши кўрмас эканлар. Неча асрдирки ўз шеърлари билан жаҳон шеърятини аҳлини лол қолдириб

НАВОЙИ ҲИКМАТЛАРИДАН НАМУНАЛАР

*Одамий эрсанг, демагил одами
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.
Агар сен одам эрсанг, халқ ғамидан ғами йўқ кишиларни
одам ҳисоблама.*

*Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж
ила,*

*Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.
Кимки машаққат чекиб, ҳақ йўлида сенга бир ҳарф ўргатган
бўлса, юз хазина бериб ҳам унинг ҳаққини адо этиб
бўлмайди.*

*Ким қалби дақиқ эрур, анга муҳтож ўл,
Тўқлуқ чу кўнгулни қатиқ айлар, оч ўл.
Қалби ғўзал кишилар суҳбатини изла. Тўқлик кўнгулни
ўлдирди, шунинг учун оч бўл.*

*Мени мен истаган ўз суҳбатиға аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнгулм писанд
этмас.*

*Мен истаган кишилар мени ўз суҳбатларидан баҳраманд
этмайдилар, менинг суҳбатимни истаганларни эса мен
хўшламайман.*

*Мурувват барча бермақдур, емак йўқ,
Футуваат барча қилмақдур, демак йўқ.
Мурувват ўзи емай, толганини бошқаларга бериш бўлса,
Футуваат (жавонмардлик, олийжаноблик) барчага яхшилик
қилиб, бу ҳақда бировга ониз очмаслиқдир.*

*Навоий, тилинг асрагил зинҳор,
Десагки, емай даҳр ишидин фусус.
Эй Навоий, дунё ишидан афсус чекмай десагки, ҳамиша
тилингга ақибёт бўл.*

*Одам ўлгон зеби зоҳирдин демас,
Кимки ондин фахр этар, одам эмас.
Ҳаққоний инсон ташқи томонга қараб баҳо бермайди. Юзаки
томонгагина қараб мактанувчи кишини одам деб бўлмайди.*

*Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,
Бас, эл қомин раво айла ўзунгни қомрон кўргач.
Бу дунёда молу мартаба ўткинчи, яхши ном эса боқий
қолади. Шундай экан, қўлингдан иш келганда одамларнинг
хотатини раво қил.*

*Юз жафо қилса, манга, бир қатла фарёд
айламон,*

*Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.
Менга юз жафо қилса, бир марта фарёд чекмайман, лекин
элга бир жафо қилса, юз марта фарёд чекаман.*

*Яхшилиғ гар қилмаса, бори ёмонлиғ қилмаса,
Ким ёмонлиғ қилмаса, қилганча бордур
яхшилиғ.*

*Қани эди, яхшилик қилмайдиган киши сира ёмонлик ҳам
қилмаса! Унинг ёмонлик қилмагани яхшилик қилган билан
баробар.*

*Қайси бир котибки, ул сўзга қалам сургай хилоф,
Ул қаро юзлук боши бўлсун қалам янглиғ шикоф.
Қайси бир котиб сўзларни хато ёзадиган бўлса, у юзи
қоранинг боши қалам каби ёрилсин.*

*Ғофил ўлма назардин итса адув
Шамъ учурганда ел кўрунурму?
Душман кўзинга кўринмагани учун ундан бепарво бўлма,
чунки шамол ҳам кўзга кўринмай келиб шамни ўчиради.*

*Ҳар неки етар санга лисон огриғидин,
Билгилки, қатиқдурур синон огриғидин.
Тилдан етган озор найза озоридан ёмондир.*

*Ҳажр ўлумдин талх эмиш - мундин сўнг, Эй
гардун, мени*

*Айлагил жондин жудо, қилгунча жонондин жудо.
Айрилиқ ўлимдан ҳам анчик эмиш, Эй фалак, бундан кейин
мени жонондан жудо қилгандан кўра, жондан жудо қилиб кўя
қол.*

БОШ ВА ТИЛ

Кунлардан бир куни Султон Хусайннинг саройида катта ўтириш бўлибди. Гапдан гап чиқиб, подшоҳ "от оёғи билан сув ичсин!" деган сўзи учун Мир Алишерга икки минг танга инъом этганини айтиб берган экан, буни эшитган бошқа вазирлар жанжал кўзгабдилар. Улар подшога арз қилиб:

— Тақсир, ҳар сафар Мир Алишерга бир оғиз доно сўзи учун минг танга берилар эди, энди эса икки минг танга берибсиз! Нима учун бизларга ҳам минг танга берилмайди? Ё бу илтифотга лойиқ эмасмизми? — дейишибди. Подшоҳ уларга қараб:

— Агар менинг саволларимга яхши жавоб топсаларинг, ўша икки минг танга сиздан айлансин. Олсаларинг олаверинглар, менинг сираям қаршилигим йўқ, — дебди.

— Майли, бизлар ҳам топамиз! Қанча савол бўлса бераверинг, олампахо.

Султон Хусайн вазирларига қараб туриб, кўрсаткич бармоғи билан бошини кўрсатибди. Ҳеч нарсага тушунмаган вазирлар бир-бирларига қарашиб, анграйиб тураверибдилар. Шу пайт Мир Алишер ҳам ўша бармоғи билан тилини кўрсатибди.

Султон Хусайн ҳамон безрайиб турган вазирларига қараб:

— Мен бошимни кўрсатдим, Мир Алишер эса бармоғи билан тилини кўрсатди. Сизлар шунинг маъносини топиб келинглар, — деб буюрибди.

Вазирлар уч кун муҳлат сўраб олибдилар. Уч кун ўйлаб-ўйлаб,

бари-бир ҳеч бир натижа чиқаролмай, охири Мир Алишернинг ёнига бориб, бояғи имо-ишоранинг маъносини сўрабдилар.

— Агар ҳар қайсингиз минг тангадан берсангиз, майли, айтиб берақолай, — дебди Мир Алишер.

Қирқ вазир қирқ минг тангани қуртдек санаб бергач, у имо-ишораларнинг маъносини сўзлаб берибди:

— Султон бошга бало нимадан келади, деб сўрадилар. Мен ҳар кишининг бошига бало келса, ўзининг тилидан келади, деб жавоб бердим.

Буни эшитган вазирлар саройга қараб югурибдилар. Подшонинг олдида бориб, бири-бирига гал бермай, "Мен топдим, мен топдим!" — деб гап талашиб қолибдилар. Султон Хусайн уларни тинчлантириб, гап сўраса, улар бояғина Мир Алишердан эшитган гапларини оқизмай-томизмай айтиб беришибди. Подшонинг сўзларига ишонқирамай:

— Тўғриси айтинглар, бу сўзларни ким ўргатди сизларга? — деб сўрабди.

— Ўзимиз топдик, тақсир! — дейишибди вазирлар.

Подшо вазирларининг ёлғон гапирганидан аччиқланиб, ҳаммасини ўлимга буюрибди. Шунда кўриб кетган вазирлар қалт-қалт титраб, бу гапларни Мир Алишер ўргатганлигини айтиб беришибди.

Султон хусайн вазирларига қараб кулиб туриб:

— Мен Мир Алишерга икки минг танга берсам, сизлар унинг бир оғиз сўзига қирқ минг танга берибсизлар-да! — дебди.

УСТОЗ ЭҲТИРОМИ

Агарчи Олий ҳазрат ўз қобилиятларининг кўплиги ва зехний қувватининг ортиқлиги жиҳатидан ҳар икки тилда, яъни туркий ва форсий шеърлар муяссар бўлса-да, унинг ўткир таъбининг мойиллиги форсчадан кўра туркийчага ортиқроқ эди.

Мавлоно Лутфий сўз лутфида ягонаи даврон эди. Ундан илгари ҳеч ким туркий тилда шеърни ундан яхшироқ айта олмаган. Олий ҳазрат, ёшлари эндигина тўлиб, йигитлик даври бошланган пайтларда, бир куни Лутфий хизматиға борди. Лутфий, ўз нозик фикрларининг натижаларидан юзага чиққан бир ғазални ўқиш билан бизни баҳраманд қилсангиз, деб илтимос қилди. Ул ҳазрат бир ғазал ўқиди, унинг матлаи мана шу:

*Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш.*

Мавлоно жаноблари бу алангали ғазални эшитиш билан хайрат денгизига чўмиб, шундай дейди: "Воллох, агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтимини шу ғазалга алмаштирдим ва бу ишнинг юзага чиқишини зўр муваффақият хисоблардим".

Заҳрирдин Муҳаммад Бобур таваллудининг 527 йиллигига

МИЛЛАТ НОМИНИ УЛУҒЛАГАН АЛЛОМА

Тарих саҳифаларини varaқлар эканмиз, ўзбек халқининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган буюк ҳиссаси, маънавияти узок ўтмишдан дунёга маълум ва машҳур бўлиб келгани кўзга яққол ташланади.

Миллат номини улуғлаган алломалар ҳақида гап борганда, ўзининг иқтидори, ақл-заковати, мураккаб тақдири ҳамда очик руҳий олами билан Заҳрирдин Муҳаммад Бобур киши эътиборини ўзига кўпроқ тортади. У давлат арбоби, саркарда, шоир, олим, сиёсатдон, тарихчи, адабиётчи, тилшунос ва айни пайтда хушхулқ инсон сифатида кўплаб ажойиб фазилатларга эга бўлган.

Бобур 1483 йилнинг 14 февралда (ҳижрий 888 йил муҳаррам ойининг олтинчи кун) Андижонда туғилди. Отаси Умаршайх Мирзо соҳибқирон Амир Темур Кўрагоний авлодидан бўлиб, Фарғона мулкининг ҳокими эди. Онаси Кутлуг Нигорхоним Тошкент ҳокими Юнусхоннинг (шажарага қаранг) қизи бўлган.

Ҳали балоғатга етмаган, ўн икки ёшли Заҳрирдин Муҳаммад Бобур 1494 йили отаси вафотидан кейин Андижон тахтига ўтириб, Фарғона мулкининг ҳукмрони бўлиб қолади. У пайтлар теурийлар хўкмронлиги даврида бўлган бир қатор ерларни Шайбонийлар ишғол этишга киришганди.

Бобур Самарқандни Шайбонийхондан ҳимоя қилиш учун юриш қилиб, муваффақиятга эришса-да, пойтахтни узок ушлаб тура олмайди. Фарғона мулкига қайтганда ҳам ана шундай муваффақиятсизликка учрайди. У яқин қариндошлари ва жуда оз лашкари билан бир вақтлар, ўз отаси Умаршайх Мирзо тасарруфида бўлган Қо-

булга қараб йўл олади. У 1504 йилда, 21 ёшида Қобулда ўзини подшоҳ деб эълон қилади. Бобур Мирзо ўз салтанатини мустақамлайди ва ижод билан шуғулланади.

Қобулда Бобур лашкар тузишга зўр беради ва катта ҳозирлик билан 1519 йилдан 1525 йилгача беш марта Ҳиндистонга юриш қилади. 1526 йилнинг апрелида Дехлидан 100 километр шимолда жойлашган Панипат яқинидаги тарихий жангда Бобур Султон Иброҳим Лўдий қўшинлари устидан голиб келади. Дехли ва Агра шаҳарларини эгаллайди. Шундай қилиб, у Ҳиндистон тарихида буюк ижобий роль ўйнаган йирик марказлашган давлатга –бобурийлар ҳукмронлигига асос солди. Жамна дарёси бўйидаги Агра шаҳрини пойтахт этиб белгилайди. Бобурнинг бу давлати тарихда “Бобурийлар империяси” номи билан танилган.

Бобур Ҳиндистонда беш йил (1526-1530) подшоҳлик қилди. У 1530 йил 26 декабрда сал кам 48 ёшида вафот этди. Бобурни Аградаги Нурафшон боғига дафн этдилар. Кейинчалик, унинг васиятига биноан, хотинларидан бири Биби Муборика томонидан Бобурнинг хоки Қобулдаги “Боғи Бобур”га кўчирилган.

Бобур Мирзо 36 йилдан зиёд вақт мобайнида ором билмай, тинмай ижод қилган. Ўзидан қатор илмий, тарихий, ҳарбий ва бадиий асарлар қолдирган. У мазкур асарлари билан ҳозиргача бутун жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келади.

Бобурдан сўнг 11 йил (1530-1539, 1555-1556) унинг ўғли Ҳумоюн, 50 йил (1556-1605) Ҳумоюннинг ўғли Акбаршоҳ, 22 йил (1605-1627) Акбарнинг ўғли Жаҳонгир, 30 йил (1627-1658)

Жаҳонгирнинг ўғли Шоҳ Жаҳон, 48 йил (1658-1707) Шоҳ Жаҳоннинг ўғли Аврангзеб, Бобур-авлодларидан Баҳодиршоҳ I (1707-1712), Жаҳондоршоҳ (1712-1713), Фаррух Сияр (1713-1719), Муҳаммадшоҳ (1719-1748), Аҳмадшоҳ (1748-1754), Оламгир II (1754-1759), Шоҳ Олам II (1759-1806), Акбар II (1806-1837), Баҳодиршоҳ Зафар (1837-1858) подшоҳлик қилдилар. Ҳиндистонда 332 йилдан зиёд ҳукмронлик қилган бобурийлар давлати XIX асрнинг ўрталарида англиз мустамлакачилари қўлига ўтиб, инкирозга юз тутди.

Бобур қисқа ҳаёт кечирди. Лекин жуда катта илмий ва адабий мерос қолдирди. Бобурнинг араб ёзуви асосида янги бир алифбо яратгани маълум. Бу алифбо тарихда “Хатти Бобурий” номи билан машҳурдир. У “Аруз рисоласи”ни битди.

Заҳрирдин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб илмий ва адабий асарлар орасида унинг шоҳ асари – уша давр ўзбек адабий тили ва классик адабиётининг ёрқин намунаси бўлган “Бобурнома” алоҳида ўрин тутди.

БОБУР ШАЖАРАСИ

Отаси Умаршайх Мирзо “... Сўлтон Абусаъид Мирзонинг тўртинчи ўғли эди. Султон Аҳмад Мирзо, Султон Муҳаммад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзодин кичик эди. Султон Абусаъид Мирзо Султон Муҳаммад Мирзонинг ўғли эди. Султон Муҳаммад Мирзо Мироншоҳ Мирзонинг ўғли эди. Мироншоҳ Мирзо Теуербекнинг учинчи ўғли эди”.

Онаси Кутлуг Нигорхоним “... Юнусхоннинг иккинчи қизи, Султон Маҳмудхон ва Султон Аҳмадхоннинг эгачиси эди”.

ШОҲ АСАР

Заҳрирдин Муҳаммад Бобурнинг энг йирик асари “Бобурнома”нинг дастлабки қўлёзмаси 1714 йили Бухоро шаҳрида топилган ва бу қўлёзма 1857 йилда Қозонда чоп қилинган. Кейинчалик унинг тўлиқ нашри ўзбек тилида нашр этилди, шунингдек, жаҳоннинг кўпгина тилларига таржима ҳам қилинди. Масалан, 1980 йилда Бакъе – Граммон “Бобурнома”ни французчага таржима қилди. ЮНЕСКОнинг алоҳида қарорига биноан қилинган бу таржима ЮНЕСКОнинг махсус мукофотига сазовор бўлди.

“Бобурнома” XV-XVI асрда Ўрта Осиё давлатлари, Эрон, Афғонистон ва Ҳиндистон диёрида рўй берган тарихий воқеаларни – мураккаб муносабатлар, ижтимоий-сиёсий вазият, маданий ва адабий ҳаётни изчиллик, билимдонлик билан ўзида акс эттирган одир тарихий манба сифатида жаҳон адабиётининг қимматли илмий ва адабий меросларидан биридир.

“Бобурнома”да баён қилинган воқеа-ҳодисалар ўзининг ранг-баранглиги, сермазмун ва теранлиги, тили, услуби билан ўрта аср шарқда ёзилган барча тарихий асарлардан ажралиб туради. “Бобурнома” уч қисмга бўлинади. Биринчи қисми 1494-1504 йилларда ўтган воқеаларга бағишланган бўлиб, Мовароуннаҳр ва Фарғонада рўй берган тарихий воқеаларни, иккинчи қисми XV аср охири ва XVI асрнинг бошида Афғонистон халқлари тарихини ўз ичига олади. Учунчи қисм Шимолий-Ҳиндистон тарихига бағишланган бўлиб 1525-1530 йиллар воқеасини акс эттиради. Бобур асарни ўзи қўрган ва билган, ўзига яқин, ишончли одамлар оғзидан эшитган воқеалар асосида ёзган.

“Бобурнома” XV-XVI асрлар давомида Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон диёрида

яшаган машҳур тарихчилар қаламига мансуб тарихий асарлардан ўзининг сермазмунлиги, баён қилинган воқеаларнинг аниқ ва муфассаллиги, ҳаққонийлиги, кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Бобур ўз асарини даврининг машҳур тарихчиларига хос аънамага айлиниб қолган услуб-тарихни энг қадимдан бошлаб ўз замонига олиб келиб улаш услубидан тамоман воз кечган ҳолда яратди. Шунингдек, муаллиф яқин ва Ўрта Шарқ тарихий адабиётида ҳукм сурган аънаалардан яна бири – тушунилиши оғир бўлган мураккаб ибора ва жумлалардан воз кечиб, жозибали, содда халқ тилида ёзди.

“Бобурнома”да Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Андижон, Ўш, Балх, Қобул, Қундуз, Бадахшон, Ҳирот, Дехли, Агра, Дебалпур, Гвалиор, Лоҳур каби ўз даврининг сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим рол ўйнаган шаҳарлар ҳақида Бобур кўпдан-кўп қизиқарли маълумотлар келтиради. Бу маълумотларнинг илмий қиймати беназирдир. Келтирилган маълумотлар ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотмаган. “Бобурнома”даги тарихий, адабий, маданий, этнографик, географик ва фалсафий масалаларнинг мукамаллиги, муаллиф шахсий мулоҳазаларининг ранг-баранглиги Бобурнинг олим ва шоир сифатидаги етуқлигини намоён этди. Бу мулоҳазалар келгуси тарихнавислар учун асосий фикр ва зикр манбаи бўлди.

Ф. ТОШПҮЛАТОВА.



Инсон ҳаётида шундай даврлар бўладики, бундай пайтларда ортга қараб, босиб ўтган умр сарҳисоб қилинади. Бугун ўзининг муборак олтимиш ёшини қаршилаётган устозлардан бири муҳтарам Холмурод Қобулович Пайзимуродов ҳам ўз ҳаёт йўлига назар ташлаб, умрининг сермазмун ўтаётганидан фахрланишга ҳақлидир.

Устоз Холмурод Пайзимуродов 1950 йил 6 февралда Жиззах туманининг Туёқли қишлоғида хизматчи оиласида дунёга келди.

Ўрта мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ ўқитувчи – устозларининг фаолиятига бўлган қизиқиши бўлажак педагогни С.Айний номли Самарқанд Давлат педагогика институтига етаклади. Устоз шу институтнинг “Бошланғич таълим методикаси” факультетида таҳсил олади. Институтни 1971 йилда имтиёзли диплом билан тугатиб, ўзи ўқиган мактабда ўқитувчи, сўнгра илмий бўлим мудирлиги бўлиб ишлайди.

Устозлари А.Туратов, Ҳ. Мусурмонов, Э.Маматовлардан ўқитувчилик сирларини кўнгил билан ўрганади. Ёш ўқитувчи ўзининг

харакатчанлиги, билимдонлиги ва ташкилотчилиги билан тез орада мактаб жамоаси ўртасида хурматга сазовор бўлди. Илмий ишга бўлган қизиқиши, ташкилотчилигини сезган устозлар 1975 йилда А.Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институтига ишга таклиф этишади.

Дастлаб Холмурод Пайзимуродов сиртки бўлим услубчиси, сўнгра Педагогика кафедрасининг ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1980-83 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг умумий педагогика кафедрасида аспирантурада таҳсил

ШОГИРДЛАР ЭЪЗОЗИДА

ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ ДОЦЕНТИ УСТОЗ ХОЛМУРОД ПАЙЗИМУРОДОВ 60 ЁШДА

олди. Профессор К. Ҳошимов раҳбарлигида “Бошланғич синф ўқувчиларининг бўш вақтларини самарали таҳлил этиш” мавзуси доирасида тадқиқот ишларини олиб борди. Унинг натижаси сифатида “Бошланғич синф ўқувчиларининг бўш вақтини кунга узайтирилган мактаб – синф ва гуруҳ шароитида уюштириш” мавзусидаги номзодлик диссертациясини мувоффақиятли ҳимоя қилиб, фан номзоди бўлди.

Аспирантурани мувоффақиятли тугатгандан сўнг устоз Х.К.Пайзимуродов ўзи ишлаган педагогика ва психология кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади. Устознинг ташкилотчилиги қобилиятини сезган институт раҳбарлари 1990 йилда ташкил этилган педагогика кафедрасига мудир этиб тайинлади. Унинг раҳбарлиги даврида кафедра профессор – ўқитувчиларининг илмий салоҳияти кескин ўсиб борди. Талабаларнинг республика миқёсидаги фан олимпиадаларида иштирок этишлари, маънавий-маърифий тад-

бирларни уюштирилиши, турли хил анжуманлар, педагогик ўқишлар ва семинарлар ташкил этилиши бевосита унинг фаолияти билан боғлиқдир. Кафедрани мавжуд фанларнинг миллий-методик захираси ҳам бойитиб борилди. Устоз кафедрага 16 йил раҳбарлик қилди.

Ҳозирги кунда устоз кафедра доценти сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Кафедранинг ёш ўқитувчиларига педагогиканинг сир – асорларини, илмий тадқиқот йўналишларини ўргатиб келмоқда.

Холмурод Пайзимуродовнинг ижодий фаолияти кўп қиррали бўлсада, жуда муҳим бир жиҳати борки, уни ҳеч маҳал

инкор этиб бўлмайди. У ҳам бўлса, камтарлиги, меҳнатсеварлиги ва талаба ёшлар билан қалбдан доимий ишлашидир.

Холмурод Қобулович олим сифатида ҳам сермаҳсулдир. У кишининг битта дарслик, 5 та услубий қўлланма, 6 та рисола, 13 та услубий тавсиянома ва 67 та илмий, илмий-оммабоп мақолалари чоп этилди.

Собик Иттифоқнинг Москва, Саратов, Қозон, Куйбишев, Алма-ата шаҳарларида у кишининг бир қатор мақолалари чоп этилган. Иттифоқ ва республика миқёсидаги илмий анжуманларда маърузалари билан қатнашган.

Шу пайтгача устоз раҳбарлигида 9 та магистрлик ва кўплаб битирув малакавий ишлари ҳимоя қилинди ва ҳозирги кунда 3 та номзодлик диссертациясига раҳбарлик қилмоқда.

Х.К.Пайзимуродов 2006 йили “Талаба ижтимоий ҳимояда” ва 2009 йили “Маънавиятда бўшлиқ бўлмаслиги керак” номли мақолалари учун “Ишонч” газетасининг мукофотига сазовор бўлди.

Устозимиз халқ таълимининг бошқа муассасалари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйган. Чоп эттирган илмий ишларнинг 12 тасини шундай муассасалар ходимлари билан амалга оширган. Жиззах педагогика коллежи, Жиззах туманидаги маиший хизмат коллежи, Жиззах туманидаги Икромов номли 38 – сон ва шаҳардаги 20-сон, 7 – сон умумий ўрта таълим муассасалари билан яқиндан алоқада бўлиб уларга услубий ёрдам кўрсатиб туради. Кўп йиллардан бери вилоят педагогик ходимларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида маърузалар ўқиб, ҳозирги даврда халқ таълими олдида турган долзарб муаммолар, ўқитувчининг илғор технологиялари, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш ҳақида ўз тажрибаларини тингловчиларга ўргатмоқда.

Устоз Холмурод Пайзимуродовдан тиниб-тинчимас ижодкор, доимо янгиликка интилувчан, шогирдларига нисбатан талабчан ва меҳрибон, беназир инсон сифатида ўрнатилган арзийди.

Х.К.Пайзимуродов намунали оила бошлиғи ҳам. У кишининг оиласи педагоглар оиласи ҳисобланади: турмуш ўртоғи Салима ая кўп йиллар шахримиздаги Ойбек номли 7-сон умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади, фарзандлари ҳам ўқитувчи бўлиб фаолият кўрсатишади.

Кўп сонли ўқитувчилар ва талабалар устози, камтарин инсон, олим Холмурод Пайзимуродов ўзининг муборак 60 ёшини таълим-тарбия ишида улкан муваффақиятлар билан кутиб олмақда. Ижодий фаолияти кенг камровли ва сермазмун. Энг муҳими олим ўқитувчилар ва талабалар хурматида сазовордир.


Факультет жамоаси ва кўп сонли шогирдлари номидан устозимиз Х.К.Пайзимуродовни 60 ёшлик юбилеи билан табриклаймиз ва ўзимизнинг энг эзгу ниятларимизни изҳор этамиз.

НЕМАТ ҚУШВАҚТОВ,
НИЗОМИДДИН УСМОНОВ,
ЎКТАМ ФАРМОНОВ,
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ
ЎҚИТУВЧИЛАРИ.

ТАЛАБАЛАР ИЖОДИДАН

БЕВАФО


Топдим деб йўқликка маҳкум эдимми,
Ишончинг ўғирлаб, ташлаб кетдимми.
Мен сени мақсадсиз йўлга элтдимми.
Нечун мени якка-ёлғиз қолдирдинг.
Билсанг, тириклайин осон ўлдиринг.
Хаётим, ҳаётинг қадар эди-я.
Хар кун жонинга жон қадар эди-я.
Лек сени бир пари алдар эди-я.
Топмайсан энди, у йўқотганларинг.
Қайтиб ол, аёвсиз ўқ отганларинг.
Сўзлардинг, садоқат, вафодан тинмай,
Эгилсам эгилдим, аммо ҳеч синмай,
Сен эса юргандиң назарга илмай,
Энди эса дейман, минг бора узр.
Сенсиз ҳам бу қалбим топмоқда хузур.



Умида ЭЛОВА,
Хорижий тиллар факультети 4-босқич талабаси

ЎХШАТМА

Қошларингиз камонида ўлсам керак,
Васлингизнинг ҳижрониди ўлсам керак.
Сулув қизлар кўзларингиз кўзлапти,
Ишқингизнинг гумонида ўлсам керак,
Рашқлар қилиб баҳоримда сўлсам керак.
Юрагимдан фақат Сизни соғинаман,
Соғинганда бирозгина оғринаман,
Оғриниб сўнг яна баттар соғинаман,
Соғинчимнинг соҳилида сузсам керак,
Мен ҳам сизнинг оромингиз бузсам керак.
Иссиқ ёзингиз кўшидан соя этиб,
Олтин кузнинг шамолига эртақ битиб,
Совуқ қишнинг қорлариди эриб кетиб,
Бир кун келиб баҳорингиз бўлсам керак,
Пойингизда чечак бўлиб кулсам керак.
Тунлараро ҳажрингизда тўлғонаман,
Кўзингизни сулувлардан қизғонаман,
Ўзингизни ўзимдан ҳам қизғонаман,
Қаранг, бир кун маъшукангиз бўлсам керак,
Бағрингизда ой-мисоли тўлсам керак.
Алпқомат қаддингиз ҳеч бўқилмасин,
Кўзумчоқлар тақиб кўяй, тўқилмасин,
Қалбингизда нозик ҳислар ўқинмасин,
Дуо қилиб, ибодатда бўлсам керак,
Икки дунё Сизла бахтли бўлсам керак!



Вазира АБДУЛЛАЕВА,
Педагогика факультети 4-босқич талабаси

ТАБРИК

ТАЛАБАНИНГ ЯНГИ КИТОБИ

Ўзбек филологияси факультетининг 4-босқич талабаси Сабоҳат Юлдошева қайноқ илҳом билан ижод қиладиган ёш қаламкашлардан. Унинг ёзганлари содда, раван, айна пайтда ўқувчига таъсири кучли, гўзал ташбеҳларга бой.

Яқинда Тошкентдаги "Тафаккур" нашриётида Сабоҳатнинг "Бахт қасрини барпо этамиз" деб номланган янги китоби босмадан чиқди. Шу муносабат билан тахририятимиз ва барча ихлосмандлари номидан Сабоҳатни табриклаймиз ҳамда унга янги ижодий парвозлар тилаб қоламиз.

Эътиборингизга ушбу китобга кирган шеърлардан намуналар берамиз.

КЎРСАТсанГИЗ Тўғри йўл

Кутиб олиб эрталаб,
Хазина кулфин очган,
Ўқувчим деб эркалаб,
Дилимга шўъла сочган,
Устозим, сизга раҳмат!
Тиклаб, қилганча сабр
Камолим сарфларини.
Ўргатгансиз бирма-бир
Алифбе ҳарфларини,
Устозим, сизга раҳмат!
Ёшлиқ қилиб адашсам,
Кўрсатсангиз тўғри йўл.
Кўмак учун муҳтож дам
Чўзсангиз беғараз қўл,
Устозим, сизга раҳмат!

Уқтиргансиз ҳаминша
Қадрин ота-онамининг.
Ҳам ибодат андиша
Йўғрилган нурли дамнинг,
Устозим, сизга раҳмат!

Ҳаммани бирдай чорлаб
Халолликка, покликка.
Умримиз, кундек порлаб,
Белагансиз оқликка,
Устозим, сизга раҳмат!




"ҲАЙ-ҲАЙ"НИ ТИНГЛАБ...

Юрагимдан оқиб ўтди бир наво,
Рухимда тебранди оташ бир сабо,
Хониш таралмоқда аълодан аъло,
Зулайхо, кўшигинг баландроқ қуйла!
Бир газал, бир гўзал, бир ажиб садо,
Жон-жонимга сингди мангунди сафо,
Бўлса шунча бўлар бир қалбда вафо,
Зулайхо хониши самога бўйла.



ГУЛМАН ЎЗИНГДА

Бахтинг муборак, мустақил юртим,
Гул боғларингда очилиб юрдим.
Жондан азизсан, Она тупроғим,
Гулман ўзингда илдиз, япроғим.
Олов бор, ўт бор посбонларингда,
Учар хур қушлар осмонларингда.
Бахтим, қувончим, фахрим ўзингдан,
Жўш урган шодлик, нахрим ўзингдан.
Ер сийнасида борсан-бақосан,
Сен беҳиёсан, сен бебаҳосан.
Бағрингга меҳрим тўкиб яшайман,
Олтин тупроғинг упиб яшайман.



ЛЕРМОНТОВНИНГ ОРЗУСИ

Дуэлда гвардиячи зобит Мартинонинг тўппончадан отган ўки рақибининг юраги остидан ўтди. Натижада Корнет Михаил Юрьевич олган жароҳати туфайли уч марта чуқур, қаттиқ нафас олдида, Пятигорскдаги Маъшук тоғи этагидида Қорадарё соҳилида ҳаёт билан видолашди. Буюк шоир Лермонтов шу тарихи 1841 йили 27 ёшида вафот этди. Унинг кўплаб шеър, дoston, романлар ёзиш, жумладан Хоразмга боришдек орзуси армон бўлиб қолди...

Истеъфодаги капитан Юрий Лермонтов Москванинг Красная ворота минтақасида оиласи билан яшаётган даврда маъшум воқеа юз берди: 1816 йилда хотини касаллик туфайли вафот этди. Шундан кейин эндигина икки яшар бўлган ўғли Михаил Ленза губерниясидаги Тархан қишлоғида яшайдиган бувиси Е.А.Арсеньева қўлида тарбиялана бошланди. Маълумки, Волга дарёси бўйларидаги Тархан қишлоғида азалдан руслар билан бирга татар, бошқирд, қалмиқ каби туркий қавмлар ҳам яшаган. Болалиги ана шу халқлар орасида ўтган Михаил 1827 йилда Москвага кетгунча оз-моз татарча, бошқирдчани ўрганди, уларнинг урф-одати, халқ оғзаки ижоди билан яқиндан танишди. Айни пайтда татар бошқирд болалари билан дўстлашиб, уларнинг оилаларида меҳмон бўлувчи осийлик савдогарлар, диндорлар суҳбатидан баҳраманд бўлди. Гарчи оиладагилар талаби билан аввалига Москва университетида, кейин зобитлар тайёрлаш ўқув юртида тахсил олса-да, Михаил Юрьевич табиатан ижодга мойил инсон, қолаверса, ижодий муҳитда энди танила бошлаган шоир ҳамда рассом эди. Айниқса, 1837 йилда Пушкин вафотида бағишлаб ёзган "Шоирнинг ўлими" мар-

сияси унинг номини халқ орасида машхур қилиш билан бирга, таъкибга учраб Кавказга бадарга қилинишига ҳам сабабчи бўлди.

Кавказдалиқ пайтида у озарбайжон шоири Мирзо Фатали Охундов билан танишди. Михаил ана шу дўстининг ёрдамида озарбайжон тилини, халқ оғзаки ижодини ўрганиб, ўзи ҳам бир қанча асарлар ёзишга киришган. "Кавказ асири", "Исмоилбек", "Хожи Абрак", "Кисса" каби дostonлари Лермонтовнинг Кавказда битган ижод намуналаридир.

Озарбайжон, татар, бошқирд тилларини ўрганган шоирни, айниқса туркий халқлар ўртасида машхур бўлган "Ошиқ ғариб ва Шоҳсанам" халқ дostonи ҳайратга соларди. Шоҳсанамни севиб қолган етти йил дарбадёрликда юриб, унга талпинган Ошиқ ғариб образи Михаилга маъқул бўлиб, у мазкур дoston асосида қисса ёзишга қарор қилган.

Дастлаб ушбу дostonнинг туркийлар орасида тарқалиши, унинг бошқача талқини, озарбайжончага ўхшаш хоразмча намунаси унга маълум бўлган, шуларга асосланиб, қиссага тайёргарлик қўрди. Шундан сўнг у нафақат Мирзо Фаталидан, шунингдек, Кавказда танишган грузин шоирлари Николаой Бараташвили, Александр Чавчавадзелардан ҳам Хоразм тўғрисида сўраб-суриштирган. Ахир гуржиларнинг машхур "Йўлбарс терисини ёпган пахлавон" асарида ҳам Хоразм ҳақида ёзилган эди-да! Шунингдек Лермонтов таниқли тарихчи М.Карамзин билан танишиб, у орқали Абулғозининг халқ дostonларига яқин тилда ёзилган "Шажараи турк" асари ҳақида ҳам маълумотга эга бўлди.

Карамзин Хоразм, ўша ерда яратилган "Ошиқ ғариб ва Шоҳсанам" дostonи, унинг озар-

байжонча талқини ўртасидаги тафовутга қизиққан шоирни саёхатчи олим Н.Муравьев билан таништирди. Н. Муравьев 1819-1820 йилларда Хоразмда бўлгани ва кўрган-кечирганлари асосида "Ўрта Осиё ва Хивага саёхат" номли асар ёзган эди. Муравьев асаридан "Ошиқ ғариб ва Шоҳсанам" дostonидан ҳайратланган Лермонтов мафтўнкор ўлка-Хоразмга бориш нияти борлигини Нозимовга, Мирзо Фаталига, Карамзинга бир неча бор айтган. Афсуски, касаллиги, империя маҳкамаси томонидан Кавказга бадарга этилгани боис, у савдогарларга қўшилиб Россиядан Хоразм томон кетолмасди. Шу боис шоир ўзи тўплаган маълумотларга таяниб "Ошиқ ғариб" асарини ёзди. "Шоҳ Иван Васильевич, эпчил навкар ва азамат савдогар Қалашников ҳақида" қиссаси империя цензори томонидан тақиқлангани боис шоир Лермонтов иккинчи бор Кавказга бадарга қилинди. Кавказга келгача, у яна ижодга берилди. Лермонтов энди аввал ёзган "Ошиқ ғариб" эртақ дostonини эртаққа айлантириш, бунинг учун маълумот тўплаш, Хоразмга доир дostonларни излаш, иложини топиб, Хива хонлигига бориб келган савдогарларни топишга, олимлар асарини билан танишишга интилади. Бадарга этилгани боис у Кавказдан Хоразмга боришни орзу қилар, орзу-умидларини ушалишини истар, ишонарди...

Аммо... 1841 йилда Мартинов билан кечган дуэлдаги жароҳати туфайли вафот этган шоирнинг буюк орзуси армон бўлиб қолди. Ундан жаҳон адабиёти хазинасида ўлмас из қолдирган роман, дoston ва шеърлар, орзулари акс этган "Ошиқ ғариб" эртаги ёдгор бўлиб қолди.

Фарида ТОШПҮЛАТОВА.

МУЛОҲАЗА

Бўш вақтни мазмунли ўтказайлик

Инсоннинг кундалиқ ҳаёти қатъий асосда ташкил этилган тақдирдагина бекорчиликка, зеркишга ўрин қолмайди. Француз ёзувчиси Стендал "Бекорчилик - зеркишнинг онасидир" деб бежиз таъкидламаган. Бекорчилик, бўш қолиш турли ёмон иллатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Айниқса, турли хил жиноятчилик, ичкиликбозлик, кашандалликка, гиёҳвандликка ружу қўйишдек маънавий-ахлоқий нопок йўللарга олиб келади. Бўш вақт инсоннинг баркамол шаклланишига хизмат қиладиган бебаҳо бойликдир. Масалан: китоб мутолаа қилиш, ўз қизиқишлари устида ишлаш.

Бўш вақт шахсий иш эмас, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган масаладир. Бўш вақт - инсоннинг муайян доимий асосий фаолияти билан шуғулланмаган вақтидир. Бўш вақт фаолият ва фаолиятсизлик каби қисмларга бўлинади. Фақат уйку ва бекорчилик билан ўтадиган

вақт бўш вақтнинг фаолиятсизлик турига мисол бўлади.

Хозирги кунда талабалар бўш вақтини қандай ташкил қилар экан? Педагогика-психология, МТБС, дефектология ва мусиқа бўлимининг "Мактабгача таълим ва болалар спорти" йўналиши талабалари бўш вақтларида турли хил юмшоқ ўйинчоқлар ясаб, мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига тақдим этишмоқда. "Ўқув қайда бўлса, улўғлик бўлур, илм қайда бўлса, буюклик бўлур" деган экан, Юсуф Хос Ҳожиб. Мусиқий таълим йўналиши талабаларининг "Мерос" жамоаси Навоий вилоятида бўлиб ўтган республикамиздаги педагогика институтлари ўртасидаги кўрик танловда фахрли 1-ўринни эгаллаб қайтишди. Бу албатта қувонарли ҳол, талабалар ўз вақтларини беҳуда ўтказмаганлигидан далолат беради.

Баъзи талаба қизларимиз тикиш, бичиш, зардўзлик ишлари билан бўш вақтини самарали

ўтказишади. Йигитларимиз эса турли хил спорт тўғрақларига қатнашади.

Аммо бўш вақтини бекор ўтказувчилар ҳам кам эмас. Бунинг олдини олиш учун институт томонидан турли кўрик-танловлар, кечалар, учрашувлар, интеллектуал ўйинлар ташкил этиб уларга талабаларни жалб қилиш лозим. Маънавият соатларида вақтни кадрлаш ҳақида халқнинг мақол ва ҳикматларидан мисоллар келтириб ўтиш лозим.

Демак бўш вақт биз ёшлар учун улкан имкониятлар манбаи бўлиб, ундан самарали фойдалана билишимиз лозим. Бўш вақтни тўғри тақсимлаш эртанги кунимиз фаровон, йўлимиз чарогон бўлишидир.

Юлдуз ТОШПҮЛАТОВА,
Мактабгача таълим ва болалар спорти йўналиши 4-босқич талабаси.
Дилноза ШЕРТОВА,
Педагогика-психология йўналиши 3-босқич талабаси.

ZIYO CHASHMASI

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги
Жиззах Давлат педагогика
институтини

Бош муҳаррир: Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар таҳлил
этилмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газета Жиззах вилоят Матбуот ва ахборот
бошқармасида 2006 йил 26 декабрда
06-017 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишга топширилган
вақти — 19.00 Топширилди — 18.00
Навбатчи: М. Абдуллаев

Манзил: Ш.Рашидов шоҳ
кўчаси, Абдулла Қодирий
номидаги Жиззах
Давлат педагогика институтини.

"Zamin Print" МЧЖ босмахонасида офсет усулида 6000
нускада босилди. Манзил: Жиззах шаҳри, Сайилжойи
кўчаси, 4-уй. Буюртма № 45. Shaki-A-3.